

4-27-2020

SEMANTIC GROUPING OF PARTICLES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Gulrux Shavkatovna Kaxxorova
base doctoral student BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Kaxxorova, Gulrux Shavkatovna (2020) "SEMANTIC GROUPING OF PARTICLES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 3 , Article 10.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/3/2

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ
МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАНИШИ**

**СМЫСЛОВАЯ ГРУППИРОВКА ЧАСТИЦ НА АНГЛИЙСКОМ
И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**SEMANTIC GROUPING OF PARTICLES IN ENGLISH
AND UZBEK LANGUAGES**

Каххорова Гулрух Шавкатовна
БухДУ таянч докторанти

Kakhkhorova Gulrux Shavkatovna
base doctoral student BSU

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари ҳақида сўз юритилган. Уларнинг грамматик хусусиятлари ёритиб берилган. Инглиз тилида “particles”, ўзбек тилида “юкламалар” деб ўрганиладиган бу тил ҳодисалари ёрдамчи сўзлар гуруҳига мансублиги кўрсатилган. Инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари орасида муштарак ва фарқли жиҳатлар мавжудлиги аниқланиб, мисоллар асосида далилланган. Юкламаларнинг нутқни ташкил қилувчи сўз ва гапларга қўшимча маъно бериши вазифасини бажариши асосланган.

Таянч сўзлар: морфология, юклама, ёрдамчи сўзлар, маъно, тасниф, тил, нутқ.

Аннотация. В статье рассматриваются смысловые группы загрузок на английском и узбекском языках. Их грамматические особенности раскрыты. Эти лингвистические явления, которые изучаются как «частицы» на английском языке и «загрузки» на узбекском языке, относятся к группе вспомогательных слов. Есть общие черты и различия между духовными группами загрузок на английском и узбекском языках, и это доказано на примерах. Загрузки основаны на функции придания дополнительного значения словам и фразам, составляющим речь.

Ключевые слова: морфология, частицы, вспомогательные слова, значения, классификация, язык, речь.

Abstract. The article deals with the spiritual groups of downloads in English and Uzbek. Their grammatical features are revealed. These linguistic phenomena, which are studied as "particles" in English and "downloads" in Uzbek, belong to the group of auxiliary words. There are commonalities and differences between the spiritual groups of the English and Uzbek downloads, and it is proved on the basis of examples. Downloads are based on the function of giving additional meaning to the words and phrases that make up speech.

Key words: morphology, particles, auxiliary words, meaning, classification, language, speech.

Кириш. Инглиз ва ўзбеклар бир-биридан жуда узоқ худудларда яшаб, турли тиллар оиласига қарашли ҳар хил тизимдаги тилларда сўзлашсалар-да, уларнинг сўз туркумлари бўлинишида ўзига хос яқинликлар мавжудлиги эътиборни тортади. Жумладан, ҳар иккала тил тизимида юкламалар мавжуд бўлиб, ёрдамчи сўзлар қаторига киритилади. Рус тилида “частицы”, инглиз тилида эса “particles” деб юритиладиган шундай лисоний бирликлар борки, улар нутқни ташкил қилувчи сўз ва гапларга қўшимча маъно бериш вазифасини бажаришга хизмат қилади. Сўз ёки гапга қўшимча қисм сифатида қўшилиб келувчи ва уларга қўшимча маъно юклашга ёрдам берувчи бундай бирликлар ўзбек тилида “юкламалар” номини олган.

Асосий қисм. Юкламалар қўшимча қисм сифатида сўз ёки гапга қўшилиб келиши боис ўз кўринишини ўзгартирмайди, таркибига қўшимча ололмайди, ясадиш хусусиятига эга эмас. Улар фақат грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик вазифага эга бўлиб, сўз

кўринишида учраса-да, аташ маъносини билдирмайди. Шунинг учун гап бўлаги ҳам бўлолмайди. Урғу ололмайди.

Ж.Бўронов инглиз тилидаги юкламаларга шундай таъриф берган: “Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўроқ маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзларнинг қўшимча маъноларини билдирувчи) ёрдамчи сўзлар юкламалардир” [2, 281]. Бу таъриф орқали англашиладики, инглиз тилида юкламаларнинг бир неча маъновий гуруҳлари мавжуд. Дарҳақиқат, инглиз тилидаги юкламалар қуйидаги маъновий гуруҳларга ажратиб ўрганилади:

1. Айирув-чегаралов юкламалари – Limiting particles. Бунга *even, only, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly, solely, just, but, alone* кабилар мисол бўлади. Бу юкламалар, асосан, фақат ва ёлғиз, шунчаки маъноларида қўлланиб, гапдаги маълум сўзни ажратиб, чегаралаб кўрсатишга, унинг маъносига қўшимча тарзда яна айирув-чегаралаш маъносини юклашга, шу маънода уни бошқа сўзлардан ажратиб таъкидлашга хизмат қилади. Масалан: “I should be as ready to acknowledge his merits as any other man; but I hear of none, except what are *merely* personal; that he is well-grown and good-looking, with smooth, plausible manners.” [3, 80]. (Таржимаси: “Мен ҳар қандай одам каби унинг хизматини тан олишга тайёр бўлишим керак; лекин мен ҳеч нарсани эшитмаяпман, *фақат* шахсий нарсалардан ташқари; у яхши тарбияланган ва гўзал, ёқимли, тўғри хулқ-атворли”).

Инглиз тилидаги “*merely*” юкламаси “фақат шунчаки” маъносида ҳам учрайди. Жумладан: “And have you never known the pleasure and triumph of a lucky guess? – I pity you. – I thought you cleverer – for, depend upon it a lucky guess is never *merely* luck. There is always some talent in it. [3, 6]. (Таржимаси: “Сиз ҳеч қачон бахтли тахминнинг ғалабаси ва нашидасини билмаганмисиз? – Мен сизга ачинаман. Мен сизни ақлироқ деб ўйлагандим, чунки унга боғлиқ омадли тахмин шунчаки омад эмас. Ҳар доим унда баъзи истеъдод бор”).

2. Кучайтирув-таъкид юкламалари – Emphatic or intensifying particles. Бу гуруҳни *even, yet, still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very* каби ҳатто, ҳаттоки, наҳотки, ахир, ҳам сингари оттенкаларда қўлланувчи юкламалар ташкил қилади. Улар, одатда, ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносини кучайтириб, таъкидлаб кўрсатишга ёрдам беради. Масалан: “Well! that is quite – I suppose there *never* was a piece of news more generally interesting. My dear sir, you really are too bountiful” [3, 91]. (Таржимаси: “Ажойиб! Бу шундай, менимча, ҳамма учун бундан-да қизиқарли янгиликлар *наҳотки* бўлмагандай. Қадрли жаноб, сиз ҳақиқатан ҳам жуда сахий”).

Инглиз тилидаги *yet* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ҳам* юкламасига мос келади. Масалан: “That would be so very painful a conclusion of their present acquaintance! and *yet*, she couldnot help rather anticipating something decisive” [3, 168]. (Таржимаси: “Уларнинг ҳозирги танишувларининг хулосаси шунчалик оғриқли бўлар эди! Ва у *ҳам* ҳал қилувчи нарсани кутган ҳолда ёрдам бера олмас эди”).

Инглиз тилидаги *even* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ҳатто* юкламасига тўғри келади. Масалан: “When she looked at the hedges, she thought the elder at least must soon be coming out; and when she turned round to Harriet, she saw something like a look of spring, a tender smile *even* there. [3, 100]. (Таржимаси: “У тўсиқларга қараганида, ҳеч бўлмаганда каттароқ киши ташқарига чиқиши керак деб ўйлади ва Гарриетга ўгирилиб, у баҳорнинг кўринишини, нозикликни ва *ҳатто* шу ерда ҳам табассумни кўрди.)

Инглиз тилидаги *just* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ахир* юкламасини ёдга солади. Масалан: “Emma was most agreeably surprized. – Mr. Elton's absence just at this time was the verything to be desired”. [3, 75]. (Таржимаси: Эмма жуда ҳайратда қолди. *Ахир* ҳозир Элтоннинг йўқлиги жуда муҳим исталган нарса эди).

3. Аниқлов юкламалари – Specifying particles. Бунга *just, right, exactly, precisely* (нақ, худди) кабилар мисол бўлади. Бу каби юкламалар ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносини аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалан: “We want only two more to be *just* the right number. I should like to see two more here, – your pretty little friend, Miss Smith, and my son – and then I

should say we were quite complete” [3, 65]. (Таржимаси: “Биз яна иккита **нақ** айнан тўғри рақам бўлишини истаймиз. Мен яна иккитасини кўришни хоҳлайман бу ерда, сизнинг жуда кичкина дўстингиз, Мисс Смит ва ўғлим, шундагина биз жуда яхши тўлиқ бўла олардик”).

Худди, нақ маъноси **precisely** юкламаси воситасида ҳам ифода қилинади. Масалан: “Very true, Miss Woodhouse, so she will. He is the very best young man – But, my dear Jane, if you remember, I told you yesterday he was **precisely** the height of Mr. Perry” [3, 92]. (Таржимаси: “Тўғри, мисс Вудхаус, шундай бўлади. У энг зўр йигит. – Аммо, азизим Жейн, агар эсласангиз, кеча сизга айтган эдим, у **нақ** жаноб Перрининг бўйидек эди).

4. Инкор юкламаси – Negative particle. Бунга **no, not, never** юкламалари мансуб бўлиб, ҳеч, сира, йўқ тушунчаларига тўғри келади. Ўзбек тилида бундай юклама тури **на...на** шаклида учрайди. Масалан: “Never trust anyone who has not brought a book with them”. (Snicket, Lemony: *Horseradish: Bitter Truths You Can't Avoid*, 2007.) (Таржимаси: “Ўзи билан китоб олиб келмаган кишига ҳеч ҳам ишонманг / умуман ишонманг”).

5. Фикрни тўлдиришга чорловчи юклама – Additive particle. Бунга **else** сўзи мисолдир. Мазкур юклама баён этилаётган фикрни тўлдириш учун яна нима қўшиш мумкинлигини сўраш учун қўлланилади. Шу боисдан у қатнашган гаплардан сўнг кўпинча сўроқ белгиси (?) қўйилади. Масалан: “Do you have anything **else** to add?” (Таржимаси: “Сиз яна нимадир қўшишингиз мумкинми?”)

Ўзбек тилида қўшимча кўринишида махсус сўроқ ва таажжуб юкламалари (**-ми, -чи, -а, -я** каби) мавжуд. Улар қўлланган гап сўроқ гапни ташкил қилади. Бу юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси бир гапда қўлланиб келиши мумкин. Масалан: Сиз йиғилишга борасиз**ми**? / Сиз**-чи**, йиғилишга борасиз**ми**?

6. Инглиз тилида бириктирувчи ёки умумлаштирувчи – Connecting particles (*too, also* каби) юкламалари ҳам қўлланади. Ўзбек тилида эса бундай юкламалар йўқ. Бу ўринда айтиш керакки, аслида кучайтирув-таъкид юкламалари саналмиш **-у / -ю, ҳам** юкламалари яқин маъноли, бир туркумга мансуб сўзлардан (*ошу нон, дўсту ёр, гулу лола*); антоним, яъни шакли ва маъноси ҳар хил, аммо маъноси бир-бирига зид, қарама-қарши, айни пайтда туркуми бир хил сўзлардан (*яхшию ёмон, каттаю кичик, ўгилу қиз*); синоним, яъни шакли ҳар хил, аммо маънодош, туркуми бир хил сўзлардан (*бахту саодат, ошу овқат*) ҳосил бўлган жуфт сўзлар ўртасида келиб, уларни ўзаро бириктиришга хизмат кўрсатади. Бироқ бунда улар юклама сифатида маъно юклаш вазифаси билан эмас, балки кўпроқ боғловчи сифатида икки сўзни тенг муносабатга киритиш, боғлаш вазифасини бажариб келиши инобатга олиниб, вазифадош боғловчи ҳисобланади.

Шунингдек, ўзбек тилида умумлаштирувчи юкламалар эмас, умумлаштирувчи (*умуман, умуман айтганда* каби) модал сўз ва модал кириш бирикмалари мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, одатда, инглиз тилида юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин қўлланади. Камдан-кам ҳолатлардагина улар ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиши мумкин. Масалан: “I can’t remember him at all. I’ve even forgotten what he looks like”. (Таржимаси: “Мен уни ҳеч ҳам эслай олмайман, ҳаттоки унинг кўринишини ҳам унутиб қўйганман”).

Кўринадекки, инглиз тилида юкламалар олти маъновий гуруҳга ажратилган. Ўзбек тилида ҳам юкламалар грамматик маъно англатиб, лексик маъно англатмаса-да, олтига маъновий гуруҳга бўлинади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларга (яъни гап бўлақларига) ёки гапга қўшилганда англатадиган маъноларига ҳамда кўриниши ҳамда ёзилишига қараб юкламанинг бир-биридан фарқланувчи олтига маъно тури, сўз ва қўшимча кўринишида бўлиши, қайсилари сўзга қўшиб, қайсилари сўздан чизикча ёрдамида ажратиб ёзилишини қуйидагича жадвалда акс эттириш мумкин:

Ўзбек тилида юкламалар кўринишига кўра ҳам сўз, ҳам қўшимча кўринишида мавжуд бўлса, инглиз тилида улар фақат сўз кўринишида учрайди.

Юкламалар						
№	Маъно турлари	Мазмун-моҳияти ва вазифаси	Кўринишига кўра турлари		Ёзилишига кўра турлари	
			Сўз юкламалар	Қўшимча юкламалар	Сўзга қўшиб ёзиладиган юкламалар	Сўздан сўнг (-) қўйиб ёзиладиган юкламалар
1.	Сўроқ-таажжуб юкламалари		–	-ми, -чи, -а, -я,	-ми	-чи, -а, -я,
2.	Кучайтирув-таъкид юкламалари		ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, ҳам, ғирт	-у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ	-оқ, -ёқ	-у, -ю, -ку, -да
3.	Аниқлов юкламаси		нақ, худди, қоқ	-ки, -ким	-ки, -ким	–
4.	Айирув-чегаралов юкламаси		фақат (ёлғиз)	-гина (-кина, -қина)	-гина (-кина, -қина)	–
5.	Инкор юкламаси		на-на, ҳеч, сира	–	–	–
6.	Гумон юкламаси		–	-дир	-дир	–

Шуниси ҳам борки, ҳар иккала тилда ҳам бир маъно гуруҳига мансуб юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси, ёки бир гапда бир неча маъно гуруҳига мансуб юкламалар аралаш қўлланиб келиши кузатилади. Масалан: “I have organised a perfectly wonderful party, but you even did not pay attention, you neither called at me, nor phoned, just ignored everything”. (Таржимаси: “Мен жуда ажойиб зиёфат кечасини уюштирдим, бироқ сен ҳаттоки эътибор ҳам қилмадинг. Сен на ташриф буюрдинг, на кўнғироқ қилдинг, шунчаки ҳаммасини инкор этдинг”).

Хулоса. Хуллас, юкламалар коммуникацияда қўшимча восита сифатида иштирок этувчи ва пресуппозицияга ишора қилувчи воситалардан биридир. Улар нутқда ўзига хос мантиқий маъноларни англатиб келади ва ўзи иштирок этган гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Юкламалар матнда алоҳида кўришиб турадики, шунисига кўра уларни аниқлаш қийин бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Bozоров О. *O'zbek tilining yuklama kategoriyasi*. - *O'zbek tili va adabiyoti*. - 1972. - 2-son. 27-b.
2. Во'ронов J. *English Grammar*. - Tashkent: O'qituvchi, 1974. -281b.
3. Jane Austen. *Emma*. – London: Published for John Murray, 1816.
4. Nurmonov A., Shahobiddinova Sh., Iskandarova Sh., Nabieva D. *O'zbek tilining nazariy grammatikasi*. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2001. - 164 b.